

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.В.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ШАМСИЕВ НАИМ АМОНОВИЧ

**ОЁҚОҒИТМА КЎЛИ ИХТИОФАУНАСИ ВА БАЛИҚ
МАҲСУЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

03.00.06 – Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Шамсиев Наим Амонович

Оёқоғитма кўли ихтиофаунаси ва балиқ маҳсулдорлигини
ошириш йўллари 3

Шамсиев Наим Амонович

Ихтиофауна озера Аякагитма и пути повышения
рыбопродуктивности 21

Shamsiev Naim Amonovich

Ichthyofauna of the Ayakagitma Lake and ways to increase fish
productivity 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.В.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ШАМСИЕВ НАИМ АМОНОВИЧ

**ОЁҚОҒИТМА КЎЛИ ИХТИОФАУНАСИ ВА БАЛИҚ
МАҲСУЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

03.00.06 – Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/В354 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.zoology.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мирзаев Улуғбек Тўраевич
биология фанлари номзоди, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Камилов Бахтияр Ганиевич
биология фанлари доктори, профессор

Жумабаев Баходир Ережепович
биология фанлари номзоди, доцент

Етақчи ташкилот:

Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Зоология институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.В.52.01 рақамли Илмий кенгашининг 2023 йил 13 июнь куни соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232^б-уй. Зоология институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 289-04-65; E-mail: zoology@academy.uz).

Диссертация билан Зоология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№1710-АР рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232^б-уй. Тел.: (+99871) 289-04-65.

Диссертация автореферати 2023 йил 26 май куни тарқатилди.

(2023 йил 26 майдаги 5-рақамли реестр баённомаси).



Б.Р. Холматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., профессор

Г.С. Мирзаева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.д., профессор

А.Э. Кучбоев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё миқёсида глобал иқлим ўзгариши, атроф табиий муҳитнинг ифлосланиш даражасининг ошиши, табиий экотизимларнинг бузилиши, биологик хилма-хиллик ресурсларининг таназзулга юз тутишига, ноёб генлар ва турларнинг кескин суръатларда камайишига олиб келмоқда. Айниқса, сув экотизимларидаги мувозанатнинг бузилиши, сув ресурслари тақчиллиги ва улар сифатининг ёмонлашиб бориши балиқларнинг яшаш жойлари, сони ва захираларининг қисқариши, маҳсулдорлигининг пасайиши ҳамда иқтисодий аҳамиятга эга бўлган турларнинг йўқ бўлиб кетишига сабаб бўлмоқда. Шунга кўра, иқтисодий аҳамиятга эга бўлган балиқларнинг биологиясини ўрганиш, уларнинг атроф-муҳит шароитларига мослашувчанлик хусусиятларини аниқлаш, сув ҳавзаларида балиқ маҳсулдорлигини ошириш, уларнинг захираларидан самарали фойдаланиш усулларини ишлаб чиқиш ҳамда балиқчилик технологияларини яратиш илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Жаҳонда балиқ ресурсларидан самарали фойдаланиш технологияларини ривожлантириш, балиқчиликнинг ягона логистика инфратузилмасини яратиш, балиқ овлашни бошқариш ҳамда захираларидан унумли фойдаланиш орқали балиқ маҳсулдорлигини ошириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан, овладиган балиқ ресурслари ҳолатини баҳолаш, захирасини аниқлаш, сув ҳавзаларининг табиий озуқа базасини бойитиш йўллари ишлаб чиқиш, балиқ маҳсулотларини етиштириш кўлами ва миқдорини кўпайтириш ҳамда сув ҳавзалари маҳсулдорлигини ошириш технологияларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда аҳоли эҳтиёжи ва бозор талабларидан келиб чиқиб, балиқчилик тармоғини модернизация қилиш, балиқ захираларидан самарали фойдаланиш, инновацион аквакультуранинг ва балиқчиликни ривожлантириш бўйича маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан вилоятларда мавжуд сув ҳавзаларида балиқ етиштиришни жадаллаштириш ва балиқ маҳсулотларини етиштириш ҳажмини ошириш, балиқчилик кластерларини ташкиллаштириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Хусусан, «Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарориди¹ «Республикада интенсификация усулда балиқ етиштиришни босқичма-босқич йўлга қўйиш ва рағбатлантириш, мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, соҳага инновацион ғоялар, илмий ишланмалар, замонавий технологиялар ва илм-фан ютуқларини кенг қўламда жорий қилиш» вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан сув ҳавзалари табиий озуқа базаси ва балиқ ресурслари ҳолатини баҳолаш, турлар таркибини аниқлаш, балиқ маҳсулотларини етиштиришни оширишда юқори кўрсаткичларга эришиш имкониятларини яратувчи кўл балиқчилигини юритишни асослаш, балиқ захираларидан оқилона

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4005-сон «Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарори.

фойдаланиш йўллари замонавий ёндошувлар асосида ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий этиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 19 сентябрдаги «Хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги ЎРҚ-408-сонли Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги «Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2939-сонли қарори, 2018 йил 6 ноябрдаги «Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4005-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 сентябрдаги «Балиқчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 719-сонли ва 2017 йил 18 октябрдаги «Чорвачилик ва балиқчилик тармоқларининг озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 845-сонли қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технология ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сув ҳавзалари озуқа базаси ва ихтиофаунаси ҳолатини баҳолаш, балиқларнинг морфо-экологик хусусиятлари, балиқ маҳсулдорлигини ошириш ва балиқ захираларини муҳофаза қилиш борасида хорижлик олимлар: Н. Gassner, J. Wanzenböck et al. (2003, 2005), Н. Gassner, D. Zick et al. (2003, 2003), М. Yilmaz, О.Н. Ablak (2003), D. Zick, Н. Gassner, et al. (2004), Т. Mehner et al. (2005), Р. Megalofonou (2006), С. Wedekind (2010), М. М'Hetli (2011), Р.М. Pares-Casanova, L. Cano (2014), J. Nilsson (2014), L.N. Zanella et al. (2015), К.Н. Nielsen, et al. (2017), К.М. Myrvold et al. (2019), А. Yurtseva et al. (2019) ва бошқалар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган.

МДХ мамлакатларида сув ҳавзаларида овланиш аҳамиятига эга бўлган балиқларнинг биологияси, морфологик ва экологик хусусиятлари, балиқ маҳсулдорлигини ошириш, уларни сунъий кўпайтириш технологияларини ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар Е.А. Интересова (2002), Т.А. Голубкова (2003), Н.Ю. Манькова (2003), О.В. Обухова (2004), В.Н. Белоусов (2004), Р.М. Бархалов (2005), С.Ю. Бражник (2009), П.А. Попов (2010), А.А. Рюкшиев (2010), В.А. Рябчун (2011), Н.Н. Попов (2014), Е.О. Коваленко (2015), Т.А. Магомедов ва бошқ. (2014), Д.С. Павлов, М.А. Скоробогатов (2014), Л.В. Шибаев (2016), Д.С. Пьянов (2017), Д.А. Балашов (2018), Н.М. Мирзоев (2019), А.В. Алдушин (2021), Е.И. Хрусталев (2021) ва бошқаларнинг илмий ишларида ёритилган.

Ўзбекистонда сув ҳавзалари гидробионт организмлари, ихтиофаунаси ва унинг шаклланиши, иқтисодий аҳамиятга эга бўлган балиқларнинг морфологик ва экологик хусусиятлари ва балиқ маҳсулдорлигини ошириш йўллари бўйича тадқиқотлар М.А. Абдуллаев (1969), М.А. Абдуллаев, Д.У. Урчинов (1989),

Г.К. Камиров (1973), М.А. Мухамедиев (1982), А.А. Аманов (1985), И.С. Тагаев (1990), Б. Хакбердиев (1994), У.Т. Мирзаев (1994), Г.М. Сайфуллаев (1995), М.Ш. Назаров (1995), Б.Е. Жумабаев (2006), М.А. Юлдашов (2019), Б.Г. Камиров (2019), М.Ш. Атамуратова (2021), А.Қ. Қуватов (2022) ва бошқа олимларнинг илмий ишларида келтирилган.

Бироқ, юқорида келтириб ўтилган илмий ишлар Бухоро вилояти чўл зонаси сув ҳавзалари балиқларининг тур таркиби, тарқалиши, морфологик ва экологик хусусиятлари ҳақида тўлиқ маълумотлар бера олмайди. Шунга кўра, Оёқоғитма кўли ихтиофаунасининг ҳозирги ҳолатини баҳолаш, унинг шаклланиши ва структурасини аниқлаш ҳамда овладидиган балиқларнинг морфо-экологик хусусиятларини ва уларнинг балиқчилик хўжалигидаги аҳамиятини очиб бериш, балиқ маҳсулдорлигини ошириш чора-тадбирларни ишлаб чиқиш муҳим илмий - амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Бухоро вилояти сув ҳавзалари ихтиофаунаси ва унинг мониторинги» (2010-2020) илмий тадқиқот мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Оёқоғитма кўли ихтиофаунасининг замонавий ҳолатини баҳолаш, балиқларнинг морфо-экологик хусусиятларини очиб бериш ҳамда балиқ маҳсулдорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Оёқоғитма кўли ихтиофаунасининг замонавий турлар таркибини аниқлаш; иқтисодий аҳамиятга эга бўлган балиқларнинг ташқи морфологик ва морфометрик кўрсаткичларини аниқлаш;

иқтисодий аҳамиятга эга бўлган балиқларнинг экологик хусусиятларини (ёши ва ўсиш суръатлари, кўпайиши, озикланиши) тадқиқ қилиш;

Оёқоғитма кўли гидробионт организмларининг сифат ва миқдор кўрсаткичларини аниқлаш;

Оёқоғитма кўли балиқ маҳсулдорлигини ошириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида Оёқоғитма кўли овланиш аҳамиятига эга бўлган балиқ турлари ва гидробионт организмлари олинган.

Тадқиқот предмети Оёқоғитма кўли ихтиофаунаси, балиқларнинг ташқи морфологияси, морфометрияси, ёши, ўсиш суръатлари, вояга етиши, серпуштлиги, озикланиши ва табиий озуқа базаси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда ихтиологик, гидробиологик, қиёсий ва статистик таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Оёқоғитма кўли ихтиофаунасининг замонавий тур таркиби таҳлили асосида 4 туркум, 7 оила 26 уруғга мансуб 27 турдан иборатлиги, шундан 14 таси маҳаллий, 13 таси инвазив турлар эканлиги аниқланган;

илк бор Оёқоғитма кўлининг ихтиофаунаси 7 турга – *Hemiculter leucisculus*, *Gobio lepidolaemus*, *Abbottina rivularis*, *Aristichthys nobilis*, *Rhodeus ocellatus*,

Micropercops cinctus ва Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган *Sabanejewia aralensis* кўпайганлиги аниқланган;

Оёқоғитма кўлида илгари мавжуд бўлган ва Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган чўртансифат окқайроқ (*Aspiolucius esocinus*) турининг ҳозирда учрамаслиги аниқланган;

овланиш аҳамиятига эга бўлган турларнинг ташқи морфологияси тавсифланган, морфометрик белгиларнинг ўзгарувчанлиги асосланган;

овланиш аҳамиятига эга бўлган балиқларнинг вояга етиши, урчиши, серпуштлиги, ўсиши ва озикланиш хусусиятлари очиқ берилган.

Оёқоғитма кўли гидробионт организмларининг сифат ва миқдор кўрсаткичлари аниқланган, овланиш аҳамиятга эга бўлган балиқ ресурслари ҳолати баҳоланган ҳамда балиқ маҳсулдорлигини ошириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

Оёқоғитма кўлининг иқтисодий аҳамиятига эга бўлган балиқларининг морфологик ва экологик хусусиятларига оид маълумотлар асосида балиқ захираларидан самарали фойдаланиш, балиқ маҳсулдорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилган;

гидробионт организмларнинг сони ва биомассаси аниқланган ва унинг асосида Оёқоғитма кўлининг табиий озуқа базаси захираси баҳоланган;

озуқа базасидан табиий шароитда фойдаланилган ҳолда балиқ чавоқларини тез суръатлар билан жадал ўстириш ҳисобига уларнинг яшовчанлигини ошириш ҳамда кўшимча балиқ маҳсулотлари олишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилган.

озуқа базаси организмларининг ялпи маҳсулдорлиги, уларни балиқлар томонидан ўзлаштирилиши аниқланган ва унинг асосида Оёқоғитма кўлининг балиқ маҳсулдорлигини ошириш бўйича балиқлантириш меъёрлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда классик ва замонавий тадқиқот усулларининг қўлланилганлиги ҳамда илмий ёндашувлар, таҳлиллар асосида олинган натижаларни назарий маълумотларга мос келиши, уларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, илмий ҳамжамият томонидан давлат амалий лойиҳаларини бажариш давомида тан олинганлиги, морфометрик маълумотлар Biostat дастурида статистик таҳлил қилинганлиги ва амалий натижаларнинг ваколатли давлат ва халқаро ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги ҳамда амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Оёқоғитма кўли озуқа базаси ва балиқ ресурсларининг замонавий ҳолатининг баҳоланганлиги, ихтиофаунаси таркиби аниқланганлиги, янги турларнинг қайд қилинганлиги, овланиш аҳамиятига эга бўлган турларнинг морфо-экологик хусусиятлари тавсифланганлиги, балиқ маҳсулдорлигини ошириш йўллари илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти озуқа базаси организмларидан балиқларнинг табиий озуқаси сифатида фойдаланиш йўллари ишлаб чиқиш, ялпи маҳсулдорлик, уларнинг балиқлар томонидан ўзлаштирилиши ва унинг

асосида балиқлантириш меъёрларини ишлаб чиқиш, балиқ чавоқларининг яшовчанлигини ва балиқ маҳсулдорлигини оширишга асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Оёқоғитма кўли ихтиофаунаси ва балиқ маҳсулдорлигини ошириш йўллари мавзуси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

сув ҳавзалари гидробионтларидан табиий шароитда фойдаланилган ҳолда балиқ чавоқларини тез суръатлар билан жадал ўстириш мақсадида кўлларни 40-50 граммлик балиқ чавоқлари билан балиқлантириш бўйича амалий тавсиялар Бухоро вилояти «Фозил Тохир Замини» Ф/Х балиқчилик хўжалиги фаолияти амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2022 йил 6 апрелдаги 02/23-664-сон маълумотномаси). Натижада, балиқ чавоқларини табиий шароитда жадал ўстириш ҳисобига уларнинг яшовчанлигини 80-85 фоизга ошириш ҳамда кўшимча 1 тонна оқ амур, 2 тонна сазан, 3 тонна оқ дўнгпешона балиғи маҳсулотлари олиш имконини берган;

балиқлар чавоғини парваришлашда табиий озуқа организмларидан самарали фойдаланиш ва 40-50 граммлик сазан, 60-70 граммлик оқ ва 40-60 граммлик чипор дўнгпешонлар, 200-250 граммлик оқ амур чавоқларини табиий сув ҳавзаларига ўтказиш меъёрлари бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар «Бухоро Беламур» Ф/Х, «Бухоробалиқ» МЧЖ балиқчилик хўжалиги фаолияти амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмасининг 2022 йил 7 июлдаги 09/791-сон маълумотномаси). Натижада, балиқ чавоқлари табиий ўлими 25 % га қисқартирилган ва кўшимча 10 млн. дона (сазан, оқ амур ва оқ дўнгпешона) чавоқ етиштиришга ҳамда кўшимча 0,5 тонна сазан, 0,8 тонна оқ амур, 0,7 тонна оқ ва 0,2 тонна чипор дўнгпешоналар, жами 2,2 тонна балиқ маҳсулотлари олиш имконини берган;

Оёқоғитма кўли ихтиофаунасига кирувчи 3 туркум, 7 оила, 13 уруғ, 13 турга мансуб, жами 546 та балиқ намуналари республикада етакчи бўлган «Зоология коллекцияси» ноёб объектига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2022 йил 1 декабрдаги 4/1255-3036-сон маълумотномаси). Натижада, мавжуд балиқлар коллекцияси фондини янги намуналар билан бойитган ва балиқлар турлари хилма-хиллигини аниқлаш ҳамда турларни систематик таҳлил қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та республика ва 7 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 25 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари натижалари чоп этиш тавсия қилинган журналларда 5 та мақола, жумладан 2 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 4 та боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Зарафшон дарёси қуйи оқими сув ҳавзалари ихтиофаунасининг ўрганилганлик ҳолати»** деб номланган биринчи бобда Зарафшон дарёсининг қуйи қисмларидаги мавжуд сув ҳавзаларининг ихтиофаунасининг ўрганилишига ҳисса қўшган олимларнинг ишлари, қатор йиллар давомида олиб борилган ихтиологик тадқиқотлар, сув ҳавзалари ихтиофаунасининг шаклланиши, турлар таркиби, балиқлар систематикаси, муҳим овланиш аҳамиятига эга бўлган балиқларнинг морфо-биологик ва экологик хусусиятлари ҳамда балиқчилик ҳўжалигидаги аҳамиятлари тўғрисидаги маълумотлар таҳлил қилинган ҳолда ёритилган.

Диссертациянинг **«Оёқоғитма кўлининг қисқача тавсифи, тадқиқот услублари ва материаллари»** деб номланган иккинчи боби икки бўлимдан иборат бўлиб, Оёқоғитма кўлининг сув билан таъминланиши, сувининг кимёвий таркиби ҳамда тадқиқот давомида йиғилган материаллар ва уларни қайта ишлашда қўлланиладиган услублар ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Бобнинг 2.1-бўлимида Оёқоғитма кўлининг қисқача гидрологик ва гидрокимёвий тавсифи келтирилган. Оёқоғитма кўли 1985-1986 йилларда Оғитма коллектори орқали келадиган оқава сувлар ҳамда баҳор ва қиш фаслларидаги ёғингарчиликлар ҳисобидан ҳосил бўлган. Кўлга 2000-йилгача Зарафшон дарёсининг қолдиқ сувлари Оғитма ва Шофиркон коллекторлари, сўнгра Шўркўл канали орқали ташланма сувлар келиб қуйилган. 2010-йилдан бошлаб Шўркўл каналидан сув келиши тўхтаган. Оёқоғитма кўлига 2010-йилдан сўнг 0,8-1,2 м³/сек сув тушиши кузатилган. Кўлнинг суви кучли минераллашган, умумий минерализацияси – хлорид-сульфатли сув синфига, кальцийли сув гуруҳига тегишлидир. Кўл суви хлор ионларига бой (ўртача 1255,9 мг/л). Сув таркибида SO₄ ионлари миқдори юқори – 768,5-3600 мг/л, ўртача 2504,8 мг/л. Ишқор реакцияси паст, рН миқдори 7,3-8,1 га тенгдир.

Бобнинг 2.2-бўлимида Оёқоғитма кўли ихтиофаунасини ўрганиш услублари ва материаллари баён этилган бўлиб, гидробиологик ва ихтиологик материалларни йиғиш ва қайта ишлашда қўлланиладиган услублар ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Тадқиқот ишлари ва материалларни тўплаш 2010-2020 йилларда баҳор, ёз, куз ойларида катакчалари 24-100 мм, узунлиги 25-50 м бўлган турли хилдаги балиқ овлаш тўрлари ёрдамда амалга оширилди.

Балиқларнинг тур таркиби И.М. Мирабдуллаев ва бошқалар (2000, 2001, 2011) бўйича аниқланди. Балиқларнинг таксономик рўйхати У.Т. Мирзаев (1999, 2001), У.Т. Мирзаев, А.Қ. Қуватов (2020) бўйича келтирилди.

Балиқ намуналарининг морфометрик белгиларини ўлчаш-ҳисоблаш ишлари И.Ф. Правдин (1966) бўйича амалга оширилди.

Балиқларнинг ёши уларнинг тангачаларидан тайёрланган препаратлар асосида МБС-1 бинокулярни ёрдамида аниқланди (Чугунова, 1959; Правдин, 1966; Брюзгин, 1969; Hagenmaier, 1987).

Сув организмлари намуналарини йиғиш, тур таркиби, сони ва биомассасини аниқлаш ишлари гидробиологик усулларга мувофиқ амалга оширилди (Катанская, 1962, 1981; Голлербах, Красавина, 1983; Навиков, Губанов, 1991; Усачев, 1961; Киселев, 1969; Федоров, 1979; Жадин, 1949, 1952, 1960; Уломский, 1951; Константинов, 1986; Балушкина, 1979).

Барча тўпланган материаллар биологик статистика усуллари (Рокицкий, 1967; Лакин, 1990) ёрдамида Biostat дастурида ҳамда MS Excel маълумотларни таҳлил қилиш тизимида қайта ишланган ҳолда амалга оширилди.

Диссертациянинг «**Оёқоғитма кўли ихтиофаунаси, овланадиган балиқларнинг морфологик ва экологик тавсифи**» номли 3-боби 8 бўлимдан иборат бўлиб, унда Оёқоғитма кўли ихтиофаунасининг турлар таркиби, иқтисодий аҳамиятга эга бўлган балиқ турларининг (*Abramis brama orientalis*, *Aspius aspius iblioides*, *Carassius gibelio*, *Cyprinus carpio*, *Rutilus aralensis*, *Alburnus chalcoides aralensis*, *Sander lucioperca*) морфологик (ташқи морфологияси, морфометрик белгиларнинг ўзгарувчанлиги) ва экологик хусусиятлари (жинсий вояга етилиши, урчиши, серпуштлиги, ўсиши, озикланиши) келтирилган.

Бобнинг 3.1-бўлими Оёқоғитма кўли ихтиофаунаси деб номланган бўлиб, унда кўл ихтиофаунасининг турлар таркиби бўйича маълумотлар келтирилган. Биз томонимиздан 2010-2020 йиллар давомида олиб борилган тадқиқотлар натижасида, Оёқоғитма кўлининг ихтиофаунаси 4 туркум, 7 оила 26 уруғга мансуб 27 тур ва кенжа турлардан иборатлиги аниқланди (1-жадвал). Оёқоғитма кўлининг ихтиофаунаси таркибидаги балиқларнинг 14 турини маҳаллий балиқлар (шундан 10 таси эндемик турлар), 13 тури инвазив балиқлар ташкил қилади.

Илгари Оёқоғитма кўли ихтиофаунаси таркибидаги (Абдуллаев ва бошқ., 2003) Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган 1 тур – Чўртансифат оққайроқ (*Aspiolucius esocinus*) ҳозирда учрамадлиги аниқланди.

Аниқланган 27 тур балиқлардан 7 турини – *Hemiculter leucisculus*, *Gobio lepidolaemus*, *Abbottina rivularis*, *Aristichthys nobilis*, *Rhodeus ocellatus*, *Micropercops cinctus* ва Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган *Sabanejewia aralensis* илк бор қайд этдик. 27 тур балиқдан 8 тури Амударёдан Аму-Бухоро канали орқали Шўркўл сув омборига, сўнгра сув омборидан сув чиқарувчи канал билан Оғитма коллекторига ва шу коллектор орқали Оёқоғитма кўлига ўтган бўлса, 19 тури Оғитма коллектори ва Зарафшон дарёсидан Оғитма коллекторига қўшилувчи канал орқали ўтганлиги аниқланди.

Оёқоғитма кўли ихтиофаунасининг турлар таркиби

| Т/р | Оила, тур, кенжа тур | Оёқоғитма кўли | | |
|------------------------|--------------------------------------|----------------|----|-------------|
| | | I | II | III |
| CYPRINIDAE | | | | |
| 1 | <i>Rhodeus ocellatus</i> | - | - | Т, 3 |
| 2 | <i>Capoeta capoeta steindachneri</i> | + | - | М, Э, 3 |
| 3 | <i>Luciobarbus conocephalus</i> | + | + | Э, ҚҚ, 3 |
| 4 | <i>Ctenopharyngodon idella</i> | + | + | И, А |
| 5 | <i>Hemiculter leucisculus</i> | - | - | Т, А |
| 6 | <i>Carassius gibelio</i> | + | + | И, 3 |
| 7 | <i>Cyprinus carpio</i> | + | + | М, 3 |
| 8 | <i>Abbottina rivularis</i> | - | - | Т, 3 |
| 9 | <i>Gobio lepidolaemus</i> | - | - | М, Э, 3 |
| 10 | <i>Pseudorasbora parva</i> | - | + | Т, 3 |
| 11 | <i>Abramis brama orientalis</i> | + | + | И, А |
| 12 | <i>Alburnoides holciki</i> | + | + | М, 3 |
| 13 | <i>Alburnus chalcoides aralensis</i> | + | + | М, Э, 3 |
| 14 | <i>Alburnoides taeniatus</i> | + | + | М, Э, 3 |
| 15 | <i>Aristichthys nobilis</i> | - | - | И, А |
| 16 | <i>Hypophthalmichthys molitrix</i> | + | + | И, А |
| 17 | <i>Aspius aspius iblioides</i> | + | + | М, Э, А |
| 18 | <i>Aspiolucius esocinus</i> | - | + | - |
| 19 | <i>Rutilus aralensis</i> | + | + | М, Э, 3 |
| 20 | <i>Pelecus cultratus</i> | + | + | М, А |
| COBITIDAE | | | | |
| 21 | <i>Sabanejewia aralensis</i> | - | - | М, Э, ҚҚ, 3 |
| 22 | <i>Nemachilus oxianus</i> | - | + | М, Э, 3 |
| 23 | <i>Paracobitis lomgicauda</i> | - | + | М, Э, 3 |
| SILURIDAE | | | | |
| 24 | <i>Silurus glanis</i> | + | + | М, 3 |
| POECILIIDAE | | | | |
| 25 | <i>Gambusia holbrooki</i> | - | + | И, 3 |
| PERCIDAE | | | | |
| 26 | <i>Sander lucioperca</i> | + | + | И, А |
| ODONTOBUTIDAE | | | | |
| 27 | <i>Micropercops cinctus</i> | - | - | Т, 3 |
| GOBIIDAE | | | | |
| 28 | <i>Rhinogobius brunneus</i> | - | + | Т, 3 |
| Турларнинг умумий сони | | 15 | 20 | 27 |

Изоҳ: I – М.А. Абдуллаев, Г.М. Сайфуллаев (1995) маълумотлари, II – М.А. Абдуллаев ва бошқ. (2003) маълумотлари, III – Бизнинг маълумотлар (2010-2021 йиллар ҳолати бўйича); М – маҳалий турлар, И – иқлимлаштирилган турлар, Т – тасодифан келтирилган турлар, Э – эндемик турлар, ҚҚ – Қизил китобга киритилган турлар, А – Амударёдан ўтган турлар, 3 – Зарафшон дарёсидан ўтган турлар.

Мазкур бобнинг 3.2-бўлими Шарқ оқчасининг (*Abramis brama orientalis* (Berg 1949)) морфо-экологик хусусиятларига бағишланган бўлиб, унда шарқ оқчасининг ташқи морфологияси, морфометрик белгиларнинг ўзгарувчанлиги, қиёсий таҳлили, ёши, жинсий вояга етиши, серпуштлиги, ўсиши, озикланиши таҳлил қилинган. Шарқ оқчасининг меристик белгилари кўрсаткичлари қуйидагича тавсифланади: *D* III 9-10, *A* III 24-28, *l.l.* 50-56, *sp.br* 23-26 та. Оёқоғитма кўли шарқ оқчаси пластик белгиларидан фақат *Ica* юқори ўзгарувчанликни намоён этади, *ao*, *o*, *hc*, *io*, *h*, *lD*, *hD*, *hA* белгилар ўртача, қолганлари кам ўзгарувчанликка эгадир.

Оёқоғитма кўлида шарқ оқчаси 2-3 ёшда, 15-18 см узунликда, 80-150 г оғирликда вояга етади. Увилдирик ташлаши сув ҳарорати 18-20°C даражада 20-апрелдан бошланади ва май ойининг ўрталаригача давом этади. Увилдирикларини кўлнинг литорал қисмига 2-3 м чуқурликда юксак сув ўсимликлар мавжуд бўлган жойларга қўяди. Мутлақ серпуштлиги тана узунлиги 20,8-38,4 см бўлган балиқларда 11985 дан 101845 икрагача тебранади. Оёқоғитма кўли шароитида шарқ оқча балиғи озуқаси таркибида 20 та озуқа турлари мавжудлиги аниқланди. Бу озиқ турлари ва миқдори балиқ ёши ва йил фаслларига боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Семизлик коэффициенти 13,4-38,4 см ли балиқларда 1,40-2,50 гача тебранади.

Бобнинг 3.3-бўлимида Орол оққайроқ (*Aspius aspius iblioides* (Kessler, 1872)) балиғининг морфо-экологик хусусиятлари ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Орол оққайроқ балиғининг меристик белгиларининг кўрсаткичлари қуйидагича тавсифланади: *D* III 7-10, *A* III 12-15, *l.l.* 72-86, *sp.br* 7-10 та. Оёқоғитма кўли оққайроқ балиғи эркак ва урғочилари ўзаро солиштирганимизда улар орасидаги 3 белги (*hc*, *lA*, *PV*) орасида фарқлар мавжудлиги аниқланди.

Оёқоғитма кўлида Орол оққайроғи 3-4 ёшда, 28-35 см узунликда 310-850 г оғирликда вояга етади. Айримларининг эса 5 ёшда тана узунлиги 37,6 см ва 1421 г оғирликда вояга етиши кузатилди. Оққайроқ увилдирикларини сув ҳарорати 9-11°C даражага етганда март-апрель ойларида Оғитма коллекторини кўлга қуйилиш жойида, 1-4 м чуқурликка қўяди.

Оёқоғитма кўли Орол оққайроқ балиғи 1+3+ ёшларида ўсиши анча тез, 4+ ёшдан бошлаб ўсиш тезлиги пасайди. Оққайроқ балиғининг узунлик ва оғирлигининг ўсиши балиқларнинг жинсий вояга етиш давригача ошиб боради ва кейин пасайиши кузатилади.

Оёқоғитма кўли шароитида орол оққайроқ озуқаси анча хилма-хилдир. У ўсиш билан эврифагликдан монофаглик томон ўзгариб боради. Турли йилларда (2014-2016 йй.) 1-5 см ли (1+) гача бўлган балиқлар ичагида асосан зоопланктон ва зообентос организмлари учраши кузатилди. Орол оққайроқнинг озуқасини баҳор ойида 47% зоопланктон, 24,7% хирономид личинкаси, ёзда эса 72,3% ни сув каналари ташкил қилади. Оққайроқнинг йиртқичлик хусусияти 13-17 см лик давридан бошланади. Шу даврда унинг ошқозонда 3-5 см ли 1-3 дона орол човоқ балиғи ва кумуш товонбалиқ чавоқлари учрайди. Оққайроқнинг узунлиги 16,1-38,9 см, оғирлиги 65-910 г бўлганда семизлик коэффициенти 0,99 дан 2,00 гача тебранади.

Бобнинг 3.4-бўлимида қумуш товонбалиқнинг (*Carassius gibelio* (Bloch, 1782)) морфо-экологик хусусиятлари ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Тадқиқот натижалари бўйича қумуш товонбалиқни меристик белгиларининг кўрсаткичлари – *D* III-IV 17-18, *A* III 15, *l.l.* 29-31, *sp.br* 44-52 тани ташкил этди. Қумуш товонбалиқнинг *ao*, *o*, *hc*, *lca* пластик белгилари ўртача ўзгарувчанликни, қолган аксарият белгилари кам ўзгарувчанликни намоён этади.

Қумуш товонбалиқ 3 ёшда, узунлиги 16,0-19,0 см, оғирлиги 118-270 г бўлганда вояга етади. Тадқиқотларимиз натижасида қумуш товонбалиқнинг урчиш даврларида уларнинг урғочилари 95-98% ни, яъни ҳар 100-110 та балиқдан 2-3 тасини эркак зотлари ташкил қилиши аниқланди. Увилдириқларини апрель-май ойларида сув ҳарорати +18-20°C бўлганда, қамиш, лух ва бошқа сув ўсимликлари мавжуд, қўлнинг саёз жойига 0,3-1,0 м чуқурликка ташлайди. Увилдириқлардаги икралар диаметри 0,7-1,20 мм ташкил этади. Мутлақ серпуштлиги 10198-119856 икрадан иборат (2-жадвал).

2-жадвал

Қумуш товонбалиқнинг серпуштлиги ва етуклик коэффиценти кўрсаткичлари

| Ёши | <i>l</i> , см | <i>Q</i> , г | <i>Ек</i> , % | <i>ИМС</i> | <i>ИНС</i> | Экз. |
|-----|----------------------------|---------------------------|----------------------------|----------------------------------|-------------------------------|------|
| 3+ | $\frac{16,1 - 19,5}{18,2}$ | $\frac{118 - 271}{208,0}$ | $\frac{12,7 - 17,5}{15,9}$ | $\frac{10198 - 37169}{28344,2}$ | $\frac{98,6 - 195,9}{155,9}$ | 7 |
| 3+ | $\frac{20,3 - 24,3}{22,7}$ | $\frac{258 - 458}{340,6}$ | $\frac{11,8 - 17,3}{14,1}$ | $\frac{30196 - 69948}{53203,7}$ | $\frac{99,8 - 220,8}{173,7}$ | 16 |
| 4+ | $\frac{25,1 - 27,4}{26,1}$ | $\frac{419 - 710}{543,2}$ | $\frac{11,8 - 16,0}{13,6}$ | $\frac{67885 - 119856}{77871,1}$ | $\frac{140,1 - 204,2}{185,5}$ | 7 |

Индивидуал мутлақ серпуштлик билан балиқ танаси узунлиги ($r = 0,881$; $P < 0,01$) ва вазни ($r = 0,888$; $P < 0,01$) ўртасидаги мавжуд корреляцион боғлиқлик балиқ ёшига ($r = 0,614$; $P < 0,01$) нисбатан анча юқоридир. Қумуш товонбалиқнинг мутлақ серпуштлиги билан балиқ танаси узунлиги, вазни ва ёши орасидаги боғлиқлик қуйидаги тенгламалар билан ифодаланади: $ИМС = 2,4233 \times l^{3,1869}$; $ИМС = 143,01 \times Q + 2102,5$; $ИМС = 32233 \times t - 51062$.

Қумуш товонбалиқ озукаси ёшга ва фаслга боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Қиш фаслида 1+, 2+ ёшли балиқлар асосан сув ўсимликлари, қисман детрит билан озиқланади. Баҳорда хирономид личинкалари, сув ўсимликлар, детрит, мизид озукани асосий қисмини ҳосил қилади.

Ёзда озукасида сув ўсимликлар, хирономид личинкаси, мизид, олигохета, детрит доминантлик қилса, кузда хирономид личинкалари, сув ўсимликлар, мизид, детрит, креветка ва балчиқ доминантлик қилади. Семизлик коэффиценти Фультон бўйича 2,22 дан 3,85 гача тебраниб туради.

Бобнинг 3.5-бўлимида сазаннинг (*Cyprinus carpio* Linnaeus, 1759) морфо-экологик хусусиятлари ҳақидаги маълумотлар келтирилган бўлиб, сазаннинг меристик белгилари кўрсаткичлари қуйидагича тавсифланади: *D* III-IV 18-22, *A* III 5-7, *l.l.* 35-38, *sp.br* 21-24 тани ташкил этди. Морфометрик белгиларининг

вариация коэффициенти бирмунча ўзгарувчан бўлиб, 2,17-14,1 фоизгача (ўртача 5,33%) тебраниб туриши аниқланди. Шундан, балиқ тумшугининг узунлиги (6,23%), кўз диаметри (7,71%), бошининг баландлиги (7,13%), дум узунлиги (8,34%), елка сузгичи баландлиги (6,18%) каби белгилар ўртача ўзгарувчан белгилар қаторига киради.

Оёқоғитма кўлида сазан балиғи 3 ёшда 20-30 см узунликда, 150-300 г оғирликда вояга етади. Апрель-май ойларида увилдириғини сув ҳарорати +20-22°C бўлганда сув остида қолган ўсимликларга қўяди. Сазаннинг увилдириқ кўйиш вақти баъзи йилларда (2019 й.) июнь ойигача чўзилади. Икралар диаметри 0,6-1,7 гача тебранади. Мутлақ серпушлиги балиқ узунлиги 16,0-50,5 см, оғирлиги 75-1800 г бўлганда 4320-295344 икрани ташкил этади.

Сазан ўсишининг личинкалик давридан бошлаб зообентос билан озикланади. Тана узунлиги 3-5 см ли даврида озукасининг асосий қисмини *Diaphanosoma sp.* (10,8%), *Daphnia longispina* (22,6%), *Acantodiptomus* (33,7%), *Cyclops vicinus* (19,1%) ташкил қилади. 10-17 см узунликдаги балиқлар озукасида хирономид личинкалари – 59,3%, детрит 14,8% ни ташкил қилади. 25-52 см ли сазанлар озукасида хирономид личинкалари 12,7-19,3%, мизид 3,5-11,9% ни ташкил қилади. Детрит 4,5-15,0%, сув ўсимликлари 30,5-52,1% гача учрайди. Семизлик коэффициенти (Фультон бўйича) баҳорда юқори (2,5-3,50), куз фаслида паст (1,13-2,44) бўлади.

Бобнинг 3.6-бўлимида Орол чавоқбалиғининг (*Rutilus aralensis* Berg, 1926) морфо-экологик хусусиятлари ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Оёқоғитма кўли орол чавоқбалиғи кўйидаги меристик белгилар билан характерланади: D III 9-11, A III 10-11, l.l. 39-45, sp.br 10-14 та. Орол чавоқбалиғи ёшининг 2+ дан 4+ гача ошиб бориши билан балиқ танасининг кичик баландлиги пасайиб боради. 3+ ёшдан сўнг балиқ елка сузгичи асосининг узунлиги, елка сузгичи баландлиги ва пектоцентрал масофа каби белгиларнинг кўрсаткичлари ортиб боради. 4+ ёшдан бошлаб, балиқ тумшук узунлигининг кўрсаткичлари катталашади.

Оёқоғитма кўлида орол чавоқбалиғи 2+–3+ ёшда узунлиги 9,8-12,6 см, оғирлиги 37,5-42,8 г бўлганда вояга етади. Увилдириқ ташлаши сув ҳарорати 12-15°C да бошланади. Увилдириқни кўлнинг шимолий, қирғоғи сув ўсимликлари кўп бўлган жойида қўяди. У асосан апрелнинг 2 чи ва 3 чи ўн кунлигига тўғри келади. Индивидуал мутлақ серпуштлиги 11,9-65,1 минг икрага тенг. Икра диаметри 0,7-1,2 (ўртача 0,9) мм ни ташкил қилади.

Оёқоғитма кўли орол чавоқбалиғи зоопланктоннинг 6 турини, зообентоснинг 4 турини, сув ўсимликларининг 2 турини кўп истеъмол қилади. Коловраткалардан эса озук таркибида – *Keratella quadrata*, *Brachionus quadridentatus*, *Asplanchna priodonta*, кладоцералардан – *Ceriodaphnia reticulata*, *Daphnia magna*, *Diaphanosoma brachyurum*, копеподитлардан – *Arctodiptomus salinus*, *Mesocyclops crassus*, *Cyclops vicinus* ва бошқалар учрайди. Зообентосдан 5-6% ни хирономид личинкалари ташкил қилади. Пелагобентосдан 8-15% мизид учрайди. Сув ўсимликлардан хара, спирогира, кладофора кўплаб учрайди. Семизлик коэффициенти 1,40-2,54 гача тебранади.

Бобнинг 3.7-бўлимида Орол мойбалиғининг (*Alburnus chalcoides aralensis* (Berg, 1923)) морфо-экологик хусусиятлари ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Оёқоғитма кўли орол мойбалиғи қуйидаги меристик белгилар билан характерланади: *D* III 7-9, *A* III 13-16, *l.l.* 57-70, *sp.br* 25-27 та. Олинган маълумотлар таҳлилига кўра балиқнинг кўз диаметри анча катта ўзгарувчан белги эканлиги, пешона кенглиги, тананинг катта баландлиги ўртача ўзгарувчанликка, қолган белгилар паст ўзгарувчанликка эга белгилар қаторига кириши аниқланди.

Оёқоғитма кўлида орол мойбалиғи 2+-3+ ёшда узунлиги 17,5-19,2 см, оғирлиги 93,5-140,0 г бўлганда вояга етади. Урчиш муддати апрель-май ойларига тўғри келади. Увилдирик ташлаши сув ҳарорати 12-14°C да бошланади. Увилдириқларни кўлнинг шимолий, қирғоқ олди сув ўсимликлари кўп бўлган жойларига қўяди. Индивидуал мутлақ серпуштлиги 10,5-26,9 минг икрага тенг.

Оёқоғитма кўли орол мойбалиғи 1+-3+ ёшларида ўсиши анча тез, 4+ ёшдан бошлаб ўсиш тезлиги пасайди, яъни балиқнинг жинсий вояга етиш давригача ошиб боради ва кейин пасайиши кузатилади (3-жадвал).

3-жадвал

Орол мойбалиғининг ўсиш суръати

| Ёши | Узунлиги, см | | | | | Экз. |
|----------------|--------------|-------|-------|-------|-------|------|
| | l_1 | l_2 | l_3 | l_4 | l_5 | |
| 2+ | 10,1 | 19,8 | | | | 10 |
| 3+ | 8,1 | 16,6 | 24,3 | | | 16 |
| 4+ | 7,0 | 14,6 | 19,2 | 24,0 | | 12 |
| 5+ | 6,9 | 14,0 | 18,8 | 22,8 | 26,8 | 9 |
| Ўртача | 8,0 | 16,2 | 20,7 | 23,4 | 26,8 | |
| Ўсишнинг ошиши | 8,0 | 8,2 | 4,5 | 2,7 | 3,4 | |

